



# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

## 2022 йил — ИНСОН ҚАДРИНИ УЛУғЛАШ ВА ФАОЛ МАҲАЛЛА ЙИЛИ

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2022 йил 2 декабрь, № 259 (8321)

Жума



### ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИДАГИ ҚЎШИМЧА ИМКОНИЯТЛАР КЎРСАТИБ ЎТИЛДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев Тошкент вилоятида қишлоқ хўжалигини ривожлантириш бўйича тақдирлар тақдироти билан танишди.**

Тошкент вилоятининг турроми унумдор, суви мўл. Бундан самарали фойдаланилса, ҳосилдор боғ ва тоқзорлар барпо этиши, интенсив сабзавотчиликни йўлга қўйиш, одамларнинг бандлигини таъминлаш мумкин.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 10 сентябрдаги «Деҳқон хўжаликларини ташкил этишни қўллаб-қувватлаш орқали аҳоли даромадларини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» қароридан бундан борада қатор вазибалар белгиланган. Хусусан, Тошкент вилоятида 2023 йилда 9 минг гектар пахта ва галла майдони қисқартирилиб, 25 сотихдан аҳолига берилди. Бу 60 мингдан ортиқ кишиларни иш билан таъминлаш имконини беради.

Давлатимиз раҳбарининг топшириғи билан, мутахассислар иштирокида Тошкент вилоятида фойдаланилмаётган имкониятлар ўрганилди ва қўшимча чора-тадбирлар ишлаб чиқилди.

Йигиллишда ана шу тақдирлар ҳақида ахборот берилди. Унга кўра вилоятда 62 минг гектар ерни фойдаланишга қириштириш ҳисоб-китоб қилинган. Уларда яиллов ўсимликларини уруччи-

гини йўлга қўйиш, сув кам талаб қиладиган мойли, дуккак ва озуқа экинлари еттиштириш, чорва боқиш мўлжалланган.

Шунингдек, Тошкент вилоятининг ҳар бир тумани мева-сабзавотчилик, картошкачилик, узумчилик каби муайян тармоққа ихтисослаштирилди. Масалан, Охангарон, Тошкент, Зангиота, Паркент, Янгийўл, Қибрай туманларида қарийб 5 минг гектарда интенсив усулда сабзавот еттиштириш, Бўstonлик, Янгийўл, Охангарон, Паркент, Бўка, Бекобод, Чиноз, Оққўрғон туманларида 1 минг 300 гектар ерни боғ қилиш, Паркент, Қибрай ва Пискент туманларида 2 минг гектардан зиёд тоқзор барпо этиш мумкинлиги айтилди. Урта Чирчик, Тошкент ва Бўstonлик туманларида «in-vitro» лабораториялари ташкил этиб, уруғлик картошка еттиштириш мўлжалланган. Умуман, мазкур чора-тадбирлар натижасида 24 мингдан зиёд иш ўринлари яратилиши режалаштирилган.

Президентимиз бу чора-тадбирларни маъқуллаб, уларни амалга ошириш бўйича кўрсатмалар берди.

Ў.А.

### Шарлотта АДРИАН:

## ЕВРОПА ИТТИФОҚИ ЎЗБЕКИСТОН БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ ЯНАДА РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ЧУҚУРЛАШТИРИШ ТАРАФДОРИ



— Биз Европа Иттифоқи ва Ўзбекистон ўртасида иқтисодий дипломатия ҳамда ўзаро алмашуви ривожлантириш масалаларини муҳокама қилинган. Фойдали, самарали фикр алмасув бўлиб ўтди. Утган йилнинг апрель ойида Ўзбекистонга тақдим

Ўзбекистон Ташқи ишлар вазирлигида бўлиб ўтган ҳамда мамлакатимиз ва Европа Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, уни янада ривожлантириш истиқболлари муҳокама қилинган учрашувдан сўнг Европа Иттифоқининг Тошкентдаги делегацияси раҳбари, элчи Шарлотта Адриан «Дунё» АА мухбирига интервью берди.

### Дунё нигоҳи

Этилган «GSP+» умумий имтиёзлар тизими доирасидаги ишлар ўзаро муносабатларимизнинг муҳим масалаларидан биридир.

Ишлар изчиллик билан давом эттирилмоқда, ҳаётга фол татбиқ қилинмоқда, бироқ айни пайтда биз

Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасидаги савдони янада ривожлантириш, рақамлаштириш, энергетика ва бошқа йўналишларда очилган янги ҳамкорлик истиқболларини ҳам муҳокама қилдик. Биз Европа Иттифоқи ҳамда Марказий Осиёдан янада кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқчимиз. Нафақат ҳам-

ларни ошириш, балки экспорт товарлари турини кенгайтириш бўйича ҳам фикр алмашдик. Бу масала жуда муҳим аҳамиятга эга.

Албатта, учрашув чоғида 18 ноябрь куни Самарқандда бўлиб ўтган «Европа Иттифоқи ва Марказий Осиё ўзаро боғлиқлиги: барқарор ривожланиш учун глобал дарвоза» биринчи конференцияси якунлари муносабати билан транспортнинг ўзаро боғлиқлиги, транзит инфратузилмасини ривожлантириш, рақамлаштириш, энергетика ва бошқа йўналишларда очилган янги ҳамкорлик истиқболларини ҳам муҳокама қилдик. Биз Европа Иттифоқи ҳамда Марказий Осиёдан янада кенгроқ фойдаланишга ҳаракат қилмоқчимиз. Нафақат ҳам-

мумкин, деган масала устида иш юритилмоқда.

Шунингдек, Самарқандда ўтган анжуманда муҳокама қилинган масалалардан бири — ҳудудлараро ҳамкорликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлди. Бу борада янги қўшма корхоналар ташкил этилиши алоҳида таъкидлаш лозим. Европа Иттифоқи Марказий Осиё мамлакатлари, хусусан, Ўзбекистоннинг рақамли трансформациялар, бизнес муҳитини янада яхшилаш, кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш борасидаги савий-ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди. Булар иқтисодий ривожланиш, янги корхоналар очилиши ва қўшимча иш ўринларини яратиши учун жуда муҳим.

«Дунё» АА.

## 8 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинган кун

# МИЛЛИЙ ҒОЯЛАР ИҒОДАСИ

Бугунги кунда давлатимиз раҳбари ташаббуси билан амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мезони сифатида инсон ҳуқуқ ҳамда эркинликларни эътироф этилмоқда. Мазкур жараёнларнинг давомийлиги ва узвийлигини таъминлаш учун мамлакатда инсон манфаатлари устуворлигининг ҳуқуқий асосларини янада мустаҳкамлаш зарур. Чунки бусиз Ўзбекистонда халқларвар давлат барпо этиб бўлмайдим.

Шу нукта назардан, ўзгариш ва қўшимчалар киритилаётган янги Ўзбекистоннинг янги Конституциясини миллий ғоялар иғодаси, деб баралла айтиш мумкин. Зеро, унда биринчи марта Ўзбекистон — ижтимоий давлат

эканлигини белгилувчи нормалар киритилмоқда. Хусусан, Конституция лойиҳасининг 1-моддасига «Ўзбекистон — суверен республика, ҳуқуқий, ижтимоий, дунёвий, демократик давлат» ибораси киритилмоқда. Бундан ташқари, лойиҳада янги «инсоннинг қадриқиммати», «фуқаролик жамияти», «дунёвий давлат», «маънавий тараққиёт», «атроф-муҳит мусофоллиги», «тинчлик ва дўстона муносабатлар», «конфессиялараро тотувлик ҳамда бағрикенглик» каби бунёдкор

ғояларнинг акс этгани ҳар бир фуқаронинг дилидаги истакларни иғода қилади. Лойиҳа мазмунини миқдорий таҳлилдан ўтказганимизда, амалдаги муқаддима қисмида ўн учта ғоя берилган бўлса, лойиҳада элликдан ортиқ ғоялар муқаддимада таъкидланганлиги кўриш мумкин.

Ушбу ғояларни акс эттиришдан мақсад шундаки, шахс, жамият ва давлат ўртасидаги муносабатларда муҳим ўрин эгаллайдиган қадрият ва тушунчаларни конституциявий даражада тўлароқ баён қилиш-

дир. Бунинг натижасида учта субъект — шахс, жамият ва давлатнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатлари кенгроқ иғода этилади. Содда қилиб айтганда, янги мақсадлар чамаланади, улугвор вазифалар белгиланади, конституциявий қадриятлар кўлами кенгайга.

Эътиборлиси, амалдаги муқаддимадаги тўққизта хат-бошига ўзгартиш ва қўшимчалар киритилиб, улар янги мазмун билан бойитилди. Шундан иккитаси, тўлиқ тахирир этилди. Янги мақсаддан



эга бўлган тўртта муқаддима ва янги хат-боши киритилиб, уларнинг жами сони ўн биттага етказилди.

### Биз ва жаҳон

## ЎЗБЕКИСТОН — РОССИЯ БИЗНЕС ФОРУМИ

Кеча Самарқанд шаҳрида Ўзбекистон — Россия бизнес форуми бошланди. Унда вазирлик ва идоралар, вилоятлар, тармоқ бирашмалари ва уюшмалар раҳбарлари, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ва Россия Федерациясидан 500 дан ортиқ етакчи компания ва корпорациялар вакиллари иштирок этиди.

Форумнинг очилиш маросимини Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари — инвестициялар ва ташқи савдо вазيري Жамид Хўжаев ҳамда Россия Федерациясининг иқтисодий ривожланиш вазири Максим Решетников мамлакатларимиз ўртасидаги кўп қиррали ҳамкорлик кейинги йилларда жадал ривожланиб бораётганини таъкидлади. Хусусан, қўшма сармоявий лойиҳалар сони ортиб, узоқ му-

датли савдо-иқтисодий алоқалар кўлами кенгаймоқда. Бунинг самараси ўлароқ, Ўзбекистон ва Россия ўртасидаги товар айирбошлаш ўсишининг ижобий динамикаси қайд этилди. Хусусан, сўнги беш йилда мамлакатлар ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми 170 фоиз ўсди, 2021 йил охирига келиб эса яна учдан бир қисмга кўпайиб, 7,5 миллиард доллардан ошди.

Ў.А.

### Гендер тенглик стратегияси:

## ЯНГИЧА ЁНДАШУВ ВА ТАШАББУСЛАР

Тошкент шаҳрида Хотин-қизларнинг жамиятдаги ролини ошириш, гендер тенглик ва оила масалалари бўйича республика комиссияси ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Гендер фаолларини қўллаб-қувватлаш ҳамда гендер стереотипларини бартараф этиш орқали Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлаш» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.

### Давра суҳбати

Унда Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси, Молия вазирлиги, Оила ва хотин-қизлар давлат қўмитаси, Европа Иттифоқининг Ўзбекистондаги делегацияси, Латвия Республикасининг мамлакатимиздаги элчихонаси, фуқаролик жамияти институтлари, вазирлик ва идоралар ҳамда ОАВ вакиллари қатнашди.

Қайд этилганидек, гендер фаолларини қўллаб-қувватлаш ва гендер стереотипларини бартараф қилиш орқали Ўзбекистонда гендер тенгликни таъминлашдан кўзланган мақсад давлат сиёсатида гендер масалаларига кўпроқ эътибор қаратиш, уни самаралироқ юритиш имконини бериш, давлат муассасаларига ўз салоҳиятини мустаҳкамлаш ҳамда гендер тенгликни янада самарали ва яққол таъминлаш учун чинакам амалий пойдевор яратиши билан боғлиқ.

Давра суҳбатида, шунингдек, гендер тенгликка эришиш борасидаги янги ёндашув, ғоя ва ташаббуслар бўйича фикр алмашилди. Ўз навбатида, тадбир иштирокчилари Ўзбекистонда гендер тенгликка эришиш стратегиясини амалга оширишга ҳисса қўшишдан манфаатдор эканлигини билдирдилар.

«Халқ сўзи».

### Мулоқот

## СУВ РЕСУРСЛАРИДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШДА ХОРИЖ ТАЖРИБАСИ

Парламент қўйи палатаси ҳамда Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти ҳамкорлигида «Минтақавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш, шу жумладан, сув ресурсларидан оқилона фойдаланишда Шимолий Европа мамлакатлари тажрибаси» мавзусида халқаро давра суҳбати ташкил этилди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиснинг Финляндия парламенти (Эдусунта) билан ҳамкорлик парламентлараро гуруҳи ҳамда «Финляндия — Марказий Осиё» парламентлараро дўстлик гуруҳи аъзолари, Қонунчилик палатаси депутатлари, шунингдек, Олий Мажлис ҳузуридаги Қонунчилик муаммолари ва парламент тадқиқотлари институти, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Стратегик ва минтақалараро

тадқиқотлар институти, Жаҳон иқтисодий ва дипломатия унiversитети ходимлари қатнашди. Қайд этилганидек, ушбу тадбирдан кўзланган асосий мақсад — Ўзбекистон ва Финляндия парламентали ўртасидаги алоқаларни янада ривожлантириш ҳамда минтақавий ҳамжиҳатликни мустаҳкамлаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бўйича ўзаро тажриба алмашишдан иборат.

# САЙЁҲЛИК САЛОҲИЯТИНИНГ ЁРҚИН НАМОЙИШИ

Тошкент шаҳридаги «Ўзэкспомарказ» Миллий кўргазмалар мажмуасида ўтаётган «Ипак йўлида туризм» 27-Тошкент халқаро туризм ярмаркаси дунёнинг 30 мамлакатидан 300 нафардан зиёд соҳа вакиллари билан бўлиб ўтди.

### Халқаро ярмарка

Бош вазир ўринбосари — туризм ва маданий мерос вазири Азиз Абдуҳакимов тадбирни очар экан, янги Ўзбекистон бутун дунё диққат марказида турганлигини таъкидлади. Хусусан, 2023 йилда БМТ Жаҳон туризм ташкилоти Бош ассамблеясининг 25-сессияси Самарқандда бўлиб ўтди, тадбирдан мингдан зиёд хорижий меҳмонлар иштирок этиши кўтилмоқда.

— Ўзбекистонда туризм кундан-кунга ривож топмоқда. Келгуси йилда Самарқанд шаҳри «Жаҳон туризм пойтахти»га айланади, 2024 йилда Хива шаҳри «Халқаро ислом маданияти маркази» деб эълон қилинади. Бу ташаббуслар мамлакатнинг дунё ҳамжамияти олдидаги мавқеидан далолат беради, — деди А. Абдуҳакимов.

Қайд этилишича, иштирокчилар кўргазма доирасида ташкил қилинган тақдиротлар ва кўргазмаларчи-

қишлар орқали юртимизнинг туризм салоҳиятини, халқимизнинг бетакрор маданиятини билан танишмоқда. Туризмнинг зиярат, экологик, маърифий, этнографик, гастрономик, спорт, даволаш-соғломлаштириш, қишлоқ хўжалиги, болалар, ёшлар ва оилавий каби янги турларини ривожлантириш борасида амалга оширилаётган кўламли ишлар ҳақида маълумотга эга бўлмоқда.

Уч кун мобайнида етакчи халқаро экспертлар иштирокида форум ва сессиялар, миллий ошпазларнинг маҳорат дарслари, мамлакатимиз маданий меросини намойиш этувчи Ўзбекистон хунарамандларининг кўргазмаси ва ярмарка тарихида илк бор маҳаллий ва халқаро дизайнерлар иштирокида модалар намойиши бўлиб ўтди. Бундан ташқари, жорий йилда ярмарка иштирокчилари ўртасида қўллаб-қувватлаш учрашувлари режалаштирилган.



Ярмарка доирасида ташкил этилган халқаро кўргазмада Франция, Япония, Малайзия, Та-

иланд, Жанубий Корея, Россия, Қозғоғистон, Беларусь, Озарбайжон ва бошқа давлатларнинг ту-

ризм маъмурияти жамоалари ўз миллий стендлари билан иштирок этмоқда.

Хосен ПАЙДОНОВ олган сурат.

3





